

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

2021 ЙИЛ УЧУН СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ХУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатасида қабул қилинди _____

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ–599-сонли Қонунининг **6-моддаси иккинчи қисми** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова) қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича 2020 йил 1 июлга қадар маъқулланган, тўлиқ ёки қисман халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотлари маблағлари (қарзлари, кредитлари) ҳисобидан Ўзбекистон Республикасида лойиҳаларни амалга ошириш доирасида юридик шахслар томонидан сотиб олинadиган товарларни (хизматларни) реализация қилишга доир айланмага, шунингдек уларни олиб киришда, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи солинмайди.”.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 72-моддада:

иккинчи қисм қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Солиқ ставкалари ушбу Кодекс билан белгиланади. Акциз солиғининг ставкалари, шу жумладан импорт қилинганда, маҳсулот нархи динамикасида ва реализация қилиш ҳажмидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси

Президентининг қарорлари билан йил давомида қайта кўриб чиқилиши мумкин.”;

Учинчи қисм чиқариб ташлансин;

2) 243-модданинг биринчи қисмида:

15-банднинг “а” кичик бандида “(бундан такси, шу жумладан йўналишли такси мустасно)” сўзларидан кейин “маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланадиган тарифлар бўйича” сўзлари билан тўлдирилсин;

23-бандда “агар қарз шартномасида уларни солиқдан озод этиш назарда тутилган бўлса” сўзлари “агар уларни солиқдан озод этиш қонунда назарда тутилган бўлса” сўзлари билан алмаштирилсин;

3) 246-моддада:

3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3) давлат, ҳукумат, халқаро ташкилотлар йўналишлари бўйича, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларида бошқа ташкилотлар ва шахслар назарда тутилган ҳолларда хайрия ёрдами мақсадларида, шу жумладан техник ёрдам кўрсатиш (грантлар) учун олиб кириладиган товарлар;”;

9-бандда “агар қарзга доир битимда бу товарлар олиб кириладиганда солиқдан озод этилиши назарда тутилган бўлса” сўзлари “агар уларни олиб кириладиганда солиқдан озод этиш қонунда назарда тутилган бўлса” сўзлари билан алмаштирилсин;

4) 259-модда қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

“Товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланмаси оёига бир миллиард сўмдан ошмайдиган солиқ тўловчилар учун солиқ даври чорак ҳисобланади.”;

5) 266-моддада:

биринчи қисмнинг 5-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5) ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган товарлар экспортида товарларни чиқаришни амалга оширувчи божхона органининг товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиш учун белгиси қўйилган божхона юк декларацияси мавжуд бўлса.”;

иккинчи ва учинчи қисмлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи - ўн тўртинчи қисмлари мос равишда **иккинчи - ўн иккинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

6) 283-модда биринчи қисм 3-бандида “газни автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари орқали” сўзлари “газни газ тўлдириш станцияси ва газ тўлдириш пунктлари орқали” сўзлари билан алмаштирилсин;

7) 284-модда иккинчи қисмида:

4-банднинг тўртинчи хатбошида “агар қарз шартномасида уларни солиқдан озод этиш назарда тутилган бўлса” сўзлари “агар уларни олиб кирилатганда солиқдан озод этиш қонунда назарда тутилган бўлса” сўзлари билан алмаштирилсин;”;

қуйидаги мазмундаги **7-банд** билан тўлдирилсин:

“7) ишлаб чиқарувчилар томонидан туристик йўналишларда ташкил этилган дегустация ҳудудларида (жойларида) реализация қилинган табиий вино (шиша идишдагилардан ташқари) маҳсулотларига.”;

8) 288-модданинг биринчи қисми 4-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

9) 289-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“289-модда. Солиқ ставкалари

Солиқ ставкалари товарнинг ёки хизматнинг қийматига нисбатан фоизларда (адвалор), натурада ифодаланган ўлчов бирлигига нисбатан мутлақ суммада (қатъий белгиланган), шунингдек адвалор ва қатъий белгиланган солиқ ставкаларини ўз ичига олган аралаш ставкада белгиланади.”;

10) қуйидаги мазмундаги 289¹ -289³-моддалар билан тўлдирилсин:

“289¹-модда. Тамаки маҳсулотларига солиқ ставкалари

Тамаки маҳсулотларига қуйидаги солиқ ставкалари белгиланади:

№	Тамаки таҳсулотлари:	Солиқ ставкалари	
		Импорт қилинганда	Ишлаб чиқариладиган
1.	Филтрли, филтрсиз сигареталар, папирослар, сигариллалар (сигаритлар), биди, кретек	400 000 сўм/1000 шт.+ 10 фоиз	2021 йил 1 январдан 163 500 сўм/ 1000 дона + 9.0 фоиз 2021 йил 1 февралдан 172 000 сўм/ 1000 дона + 10 фоиз 2021 йил 1 октябрдан 185 000 сўм/ 1000 дона + 10 фоиз
2.	Сигара	4 700 сўм/1дона.	
3.	Чилим учун тамаки	280 000 сўм/ кг	
4.	Чекиладиган, ўрама тамаки	280 000 сўм/ кг	
5.	Чайналадиган, ҳидланадиган, шимиладиган тамаки	280 000 сўм/ кг	
6.	Қиздириладиган тамаки таёқчалари, қиздириладиган тамакили капсула ва таркибида тамаки бўлган ўхшаш тамойил билан фойдаланиладиган бошка маҳсулотлар	280 000 сўм/ кг	
7.	Никотинли тамакисиз снюс	112 000 сўм/кг	

8.	Таркибида никотин мавжуд бўлган суюкликлар (картриджларда, резервуарларда ва электрон сигаретларда фойдаланиш учун бошқа контейнерларда)	500 сўм/ мл
----	--	-------------

1-бандида акциз солиғининг қатъий белгиланган ставкаси натура ифодасидаги акциз тўланадиган товарлар ҳажмига нисбатан қўлланилади, акциз солиғининг адвалор солиқ ставкаси ишлаб чиқарувчининг акциз солиғи ва қўшилган қиймат солиғи қўшилмаган ҳолда сотилган товарлар қийматига нисбатан қўлланилади. Товар импортида адвалор ставка божхона қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган божхона қийматига қўлланилади.

3-6-бандларда солиқ ставкаси тамаки маҳсулотларидаги тамаки ҳом-ашё массасига нисбатан тамаки ҳом-ашё массаси тўғрисидаги ахборотни истеъмол қадоғида (идишда) кўрсатиш шарти билан қўлланилади. Агар чилим учун тамаки бўйича тамаки хомашёси массаси нетто оғирлигининг 20 фоиздан камни ташкил этган тақдирда, у ҳолда акциз солиғи нетто оғирлигининг 20 фоиздан ҳисоблаб чиқарилади. Истеъмол қадоғида (идишида) тамаки хом-ашёсининг оғирлиги тўғрисида ахборот мавжуд бўлмаган тақдирда солиқ ставкаси нетто оғирлигига қўлланилади.

7-бандда солиқ ставкаси товарнинг нетто оғирлигига нисбатан қўлланилади, бунда истеъмол қадоғининг оғирлиги ҳисобга олинмайди (пластик банка, картон қутиси ва шунга ўхшаш). Ишлаб чиқарувчининг истеъмол қадоғида (идишида) товарнинг оғирлиги тўғрисида маълумот мавжуд бўлмаган тақдирда солиқ ставкаси истеъмол қадоғини (идишини) ҳисобга олган ҳолда нетто оғирлигига қўлланилади.

289²-модда. Алкоголь маҳсулотларига солиқ ставкалари

Алкоголь маҳсулотларига қуйидаги солиқ ставкалари белгиланади:

№	Алкоголь маҳсулотлари:	Солиқ ставкалари			
		Импорт килинганда	Ишлаб чиқариладиган (1 дал тайёр маҳсулот учун)		
			2021 йил 1 январдан	2021 йил 1 февралдан	2021 йил 1 октябрдан
1.	Озиқ-овқат хом ашёсидан ректификацияланган этил спирти, ректификацияланган ва эфироальдегидли фракциядан техник этил спирти ва этил спиртининг бошланғич фракцияси	70%	10 800 сўм	12 500 сўм	13 500 сўм
2.	Арок, коньяк ва бошқа алкогольли маҳсулотлар	50 000 сўм / 1 литр учун	98 000 сўм	116 400 сўм	125 100 сўм
	ҳажмий улушда спирт 40 фоиздан кўп бўлган арок, коньяк ва бошқа алкогольли маҳсулотларга	70 000 сўм / 1 литр учун	162 700 сўм	192 300 сўм	206 700 сўм

3.	Вино (1 дал тайёр маҳсулот учун):				
	табiiй равишда ачитилган табiiй винолар (этил спирти қўшилмаган ҳолда)	35 000 сўм / 1 литр учун	7 700 сўм	8 300 сўм	8 700 сўм
	бошқа винолар, шу жумладан вермут	50 000 сўм / 1 литр учун	14 500 сўм	16 800 сўм	18 000 сўм
4.	Пиво (1 дал тайёр маҳсулот учун)	50%, бироқ 1 литр учун /15 000 дан кам бўлмаган	10 600 сўм	11 700 сўм	12 600 сўм

289³-модда. Нефт маҳсулотлари ва бошқа акциз тўланадиган товарлар ва хизматларга солиқ ставкалари

Нефт маҳсулотлари ва бошқа акциз тўланадиган товарлар ва хизматларга қуйидаги солиқ ставкалари белгиланади:

№	Товар (хизмат) ларнинг номи	Солиқ ставкаси	
		2021 йил 1 январдан	2021 йил 1 февралдан
1.	Нефт маҳсулотлари:		
	Аи-80	200 000 сўм/ тонна	240 000 сўм/ тонна
	Аи-90 ва ундан юқори	250 000 сўм/ тонна	275 000 сўм/ тонна
	авиакеросин	180 000 сўм/ тонна	200 000 сўм/ тонна
	Дизель ёқилғиси	200 000 сўм/ тонна	240 000 сўм/ тонна
	ЭКО дизель ёқилғиси	180 000 сўм/ тонна	216 000 сўм/ тонна
	дизель ёки карбюратор (инжектор) двигателлари учун мотор мойи	280 000 сўм/ тонна	340 000 сўм/ тонна
2.	Полиэтилен гранулалар	20 %	
3.	Табiiй газ, шу жумладан экспорт	20%	
4.	Ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан сотиладиган суюлтирилган газ («Худудгазтаъминот» АЖ орқали аҳолига сотиладиган ҳажмлар бундан мустасно), шу жумладан, экспорт	30 %	
5.	Якуний истеъмолчига сотиладиган:		
	бензин	1 литр учун 285 сўм / 1 тонна учун 378 480 сўм	1 литр учун 350 сўм / 1 тонна учун 465 530 сўм
	дизель ёқилғиси	1 литр учун 285 сўм/ 1 тонна учун 346 275 сўм	1 литр учун 350 сўм / 1 тонна учун 425 918 сўм
	суюлтирилган газ	1 литр учун 285 сўм/ 1 тонна учун 540 645 сўм	1 литр учун 350 сўм/ 1 тонна учун 665 493 сўм
	сиқилган газ	1 куб.метр учун 435 сўм	1 куб.метр учун 500 сўм
6.	Мобиль алоқа хизматлари	15%	
7.	Хушбойлаштирувчи ёки ранг берувчи қўшимчаларсиз оқ шакар	20%	

2-4 ва 6-бандларида солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган (кўрсатиладиган) акциз тўланадиган товарларга (хизматларга) белгиланган ҳамда товарларни олиб киришда қўлланилмайди.

7-бандда белгиланган солиқ ставкаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган хушбойлаштирувчи ёки ранг берувчи қўшимчаларсиз оқ шакарга қўлланилади. Бунда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига шакар ҳом ашёсини олиб киришга акциз солиғи солинмайди.”;

11) 306-моддада:

иккинчи қисми 11-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“11) ушбу Кодекс 304-моддасининг 8, 9, 14, 15 ва 17-кичик бандларига мувофиқ келиб тушган маблағлар ҳисобидан олинган ёки сотиб олинган (барпо этилган), шунингдек солиқ ва божхона имтиёзлари берилганлиги натижасида бўшаган маблағлар ҳисобига сотиб олинган (барпо этилган) мол-мулк.”;

тўртинчи қисм қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Агар мазкур модданинг олтинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, амортизацияланадиган активнинг қиймати қайта баҳолашни ҳисобга олмаган бошланғич (тарихий) қийматидан ҳисобланадиган амортизация ажратмалари орқали харажатлар жумласига киритилади.”;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи - еттинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

“Амортизацияланадиган активларнинг бошланғич (тарихий) қиймати бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўловчи томонидан капитал қўйилмалар амалга оширилган тақдирда ўзгаради.

2021 йил 1 январ ҳолатига қўра бухгалтерия ҳисоби маълумотларига асосан солиқ тўловчида мавжуд бўлган, илгари ўтказилган қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда амортизацияланадиган активлар солиқ солиш мақсадида бошланғич (тарихий) қиймат ҳисобланади.

2021 йил 1 январдан бошлаб, солиқ тўловчи томонидан кейинги ҳисобот (солиқ) даврларида амортизацияланадиган активлар қийматини қайта баҳолаши амалга оширилганда, амортизация ажратмаларини ҳисоблашда солиқ солиш мақсадлари учун бундай қайта баҳолаш натижаси ҳисобга олинмайди.”;

бешинчи - ўн тўртинчи қисмлар мос равишда **саккизинчи - ўн еттинчи қисмлари** деб ҳисоблансин;

12) 340-модданинг ўн биринчи қисми “Бунда солиқ тўловчи кутилаётган ҳажмлардан келиб чиқиб фойда солиғи бўйича аванс тўловлар суммаси тўғрисида маълумотномани келгуси чоракнинг биринчи оyi

10 санасигача тақдим этиш ҳуқуқига эга. Солиқ тўловчилар томонидан мазкур ҳуқуқни суиистеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда давлат солиқ хизмати органларига фойда солиғи бўйича аванс тўловлар тўғрисида тақдим этилаётган маълумотномаларга ўзгартиришлар киритиш ваколати берилади.” сўзлар билан тўлдирилсин;

13) 365-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ушбу Кодекснинг 385-модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошида белгиланган тартибда солиқни қатъий белгиланган миқдорда тўлаш хоҳишини билдирган якка тартибдаги тадбиркорларни солиққа тортиш объекти бўлиб амалга оширилаётган фаолият турини тавсифловчи физик кўрсаткичлар ҳисобланади.”;

14) 383-модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Жисмоний шахснинг даромадлари қуйидаги қатъий белгиланган миқдордаги солиқ суммаларда солиққа тортилади:

Т/р	Фаолият тури	Қатъий белгиланган бир ойлик сумма (сўмда)			
		Тошкент шаҳри	Нукус шаҳар ва вилоят марказлари бўлган шаҳарлар	Бошқа шаҳарлар	Бошқа аҳоли пунктлари
1.	Чакана савдо:				
	озик-овқат товарлари ва ноозик-овқат товарлари билан чакана савдо	750 000	600 000	300 000	200 000
	деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан	250 000	150 000	100 000	50 000
	газеталар, журналлар ва китоб маҳсулотлари билан	250 000	150 000	100 000	50 000
2.	Маиший хизматлар	250 000	150 000	100 000	50 000
3.	Бошқа фаолият турлари	225 000	150 000	100 000	50 000
4.	Автомобиль транспортида юк ташиш хизматлари:				
	3 тоннагача юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун		150 000		
	3 тоннадан ортиқ юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун		225 000		

Солиқ тўловчи:

бир нечта фаолият тури билан шуғулланган тақдирда, ҳар бир фаолият тури учун алоҳида-алоҳида солиқнинг қатъий белгиланган суммасини тўлайди, икки ва ундан ортиқ аҳоли пунктларида олиб борилган тақдирда, ушбу аҳоли пунктлари учун ўрнатилган юқори ставкадаги солиқ тўланади;

тадбиркорлик фаолиятини ижарага олинган ускуналар ва бинода амалга оширган тақдирда, яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ижарага берувчи тўғрисида маълумотнома (ахборот) тақдим этишга мажбур;

I ёки II гуруҳ ногирони бўлган шахслар, фаолият тури ва уни амалга ошириш жойидан қатъий назар, қатъий белгиланган сумманинг 50 фоизини,

бирок базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда тўлайди;

“Хунарманд” уюшмаси аъзоси бўлганда хунармандчилик фаолияти маҳсулотлари (товарлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва реализация қилишда қатъий белгиланган солиқ суммасини тўлашдан озод этилади;

болалар ўйин автоматлари билан боғлиқ хизматларни кўрсатса, ҳар бир жиҳозланган жой (бирлик) учун қатъий белгиланган солиқ тўлайдилар.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ижарага беришдан олган даромадлари ушбу Кодекснинг 381-моддасида белгиланган ставкада солиққа тортилади.

Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари ўрнатилган мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкаларига ва жисмоний шахснинг даромадлари учун қатъий белгиланган миқдордаги солиқ суммаларини ҳудудларнинг ва фаолият амалга ошириладиган жойларнинг хусусиятларини ва мавсумий ҳарактердаги фаолиятларни ҳисобга олган ҳолда 0,7 дан 1,3 гача бўлган ораликдаги камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар белгилашга ҳақли.”;

15) 385-моддада:

учинчи қисмнинг 2-банди чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

“Ушбу модда биринчи қисмининг 1-бандига асосан яқка тартибдаги тадбиркор билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслардан олинадиган солиқ тўлов манбаида солиқ агенти томонидан ҳисоблаб чиқарилади ва ушлаб қолинади.”;

16) 408-моддада:

биринчи қисмнинг 5-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5) қуйидаги солиқ тўловчиларга меҳнат стажи ҳисобланиши учун йилига камида 1 базавий ҳисоблаш миқдори:

ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахслар;

“Уста-шогирд” мактаблари ўқувчилари томонидан улар йигирма беш ёшга тўлгунига қадар ишлаган даврида;

деҳқон хўжаликлари, шунингдек майдони тўрт сотихдан кам бўлмаган деҳқон хўжалигида, томорқа ер участкасида банд бўлган ёки ушбу майдонда қорамол ёхуд эллик бошдан кам бўлмаган хонаки парранда парваришлаётган жисмоний шахслар. Бунда деҳқон хўжалиги раҳбари солиқни мажбурий тартибда тўлайди, бошқа аъзолари ва кўрсатилган жисмоний шахслар эса ихтиёрий асосда тўлайди. Белгиланган миқдордаги солиқнинг тўланиши деҳқон хўжалиги аъзосининг ва жисмоний шахснинг меҳнат стажини ҳисоблаб чиқаришда бир йил деб ҳисобга олинади;

меҳнат шартномаси асосида чет элда ёлланиб ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек савдо уйларида, ваколатхоналарда (шу жумладан юридик шахс ташкил этмасдан), Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан чет давлатларда ташкил этилган (очилган) ташкилотларда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари.

иккинчи қисм чиқариб ташлансин;

учинчи-ўн биринчи қисмлар мос равишда **иккинчи - тўққизинчи қисмлари** деб ҳисоблансин;

иккинчи қисмдаги “ва иккинчи” сўзи чиқариб ташлансин;

учинчи қисм қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Солиқни тўлаш қуйидагича амалга оширилади:

ушбу модданинг биринчи қисми 1 – 4 бандларида кўрсатилган шахслар томонидан — ҳар ойда, тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган ойнинг ўн бешинчи кунидан кечиктирмай;

ушбу модданинг биринчи қисми 5-бандида кўрсатилган шахслар томонидан — ҳисобот йилининг 1 декабригача амалга оширилади. Бунда солиқнинг миқдори тўлов кунига белгиланган базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.”;

17) 415-модданинг тўртинчи қисмидаги “0,2 фоиз” сўзи “0,4 фоиз” сўзига алмаштирилсин;

18) 419-модданинг 4-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4) кўп квартирали уйларга узвий боғлиқ бўлган автомашина турар жойлари, шунингдек бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар.”;

19) 422-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

№	Солиқ солиш объектлари	Солиқ ставкалари, фоизларда
1.	Уй-жойлар ва квартиралар, дала ҳовли иморатлари (умумий майдони 200 кв.м дан ортиқ бўлганлари бундан мустасно), кўп квартирали уйларга узвий боғлиқ бўлган автомашина турар жойлари, шунингдек бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар	0,23
2.	Шаҳарларда жойлашган уй-жойлар ва квартиралар, умумий майдони:	
	200 кв.м дан ва 500 кв.м га қадар бўлган	0,3
	500 кв.м дан ортиқ бўлган	0,4

3.	Бошқа аҳоли пунктларида жойлашган, умумий майдони 200 кв.м дан ортиқ бўлган уй-жойлар ва квартиралар, дала ҳовли иморатлари	0,3
4.	Тадбиркорлик фаолияти учун ёхуд юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага беришда фойдаланиладиган солиқ солиш объектлари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти ва (ёки) даромад олиш учун мўлжалланган яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектлари	2

”;

20) 426-модданинг иккинчи қисми 11-бандидаги “маиший чиқиндилар” сўзлари “маиший, қурилиш ва бошқа чиқиндилар” сўзлари билан алмаштирилсин;

21) 427-модданинг биринчи қисми учинчи хатбошидан “мева-сабзавотчилик қишлоқ хўжалиги корхоналари учун мева-сабзавотчилик маҳсулотлари эгаллаган ерлар учун эса — ер участкасининг умумий майдони.” сўзлари чиқариб ташлансин;

22) 428-модда иккинчи қисми саккизинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“сувни тежайдиган (ёмғирлатиб, дискрет ва бошқа) қўлланилган ерлар — сувни тежайдиган суғориш тизими жорий этилган ойнинг бошидан эътиборан беш йил муддатга. Ушбу имтиёз сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли органнинг хулосаси асосида берилади. Агар, сувни тежайдиган суғориш технологиялари тизими жорий этилган ойнинг бошидан бошлаб беш йил давомида фойдаланишга яроқсиз бўлса ёки демонтаж қилинса, солиқ имтиёзлари бутун солиқ даври учун ер солиғини тўлаш мажбурияти тикланиши билан бекор қилинади;”;

23) 429-моддада:

биринчи қисм куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун базавий солиқ ставкаси, республика ҳудудлари кесимида 1 гектар учун мутлақ миқдори куйидагича белгиланади:

Республика ҳудудлари	1 гектар учун базавий солиқ ставкаси, млн.сўмда
Тошкент шаҳри	
1 зона	208,2
2 зона	166,5
3 зона	124,9
4 зона	83,3
5 зона	41,6

Қорақалпоғистон Республикаси	26,2
Андижон вилояти	33,0
Бухоро вилояти	26,7
Жиззах вилояти	26,7
Қашқадарё вилояти	26,7
Навой вилояти	26,7
Наманган вилояти	33,0
Самарқанд вилояти	33,0
Сурхондарё вилояти	23,5
Сирдарё вилояти	20,8
Тошкент вилояти	27,6
Фарғона вилояти	26,7
Хоразм вилояти	26,7

”

иккинчи ва учинчи қисми куйидаги мазмунда тўлдирилсин:

"Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар базавий солиқ ставкасининг аниқ миқдори куйидаги тартибда аниқланади:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари – 0,5 дан 2,0 миқдорда камайтирувчи ва оширувчи коэффициентини қўллаган ҳолда, ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган базавий солиқ ставкалари асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун туман ва шаҳарлар кесимида уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб ер солиғининг базавий ставкаларини белгилайди;

Туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари, уларнинг чегараларида жойлашган нуфузли ҳудудга (мавзе, массив, маҳалла, кўча) қараб, ушбу модданинг иккинчи қисми иккинчи хатбошида белгиланган солиқ ставкасига Тошкент шаҳри учун эса – ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган базавий солиқ ставкасига 0,7 дан 3,0 миқдорда камайтирувчи ва оширувчи коэффициентни киритадилар. Туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари нуфузли туман чегараларини тасдиқлайдилар.

Туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан кейинги солиқ даври учун солиқ ставкалари, ҳар йили жорий солиқ даврининг 31 декабрига қадар қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари жойлашган жойдаги солиқ органларига тақдим этишлари керак. Ер участкалари жойлашган жойдаги солиқ органлари ушбу солиқ ставкаларини беш кун ичида солиқ тўловчиларга маълумот учун етказишлари керак.

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар бўйича солиқ ставкалари қишлоқ хўжалиги экинзорларининг норматив қийматиغا нисбатан 0,95 фоиз миқдорда белгиланади.”;

учинчи - ўн биринчи қисмлар тегишлича **бешинчи - ўн учинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

бешинчи қисмида:

биринчи хатбошидаги “0,1 коэффициент” сўзлари “0,25 коэффициент” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **ўн тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

“Шаҳар ва посёлкаларнинг маъмурий чегараларида жойлашган кон ва карьерлар банд этган ерлар учун солиқ Туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари белгилаган солиқ ставкаларга 0,1 коэффициентини қўллаган ҳолда тўланади.”;

24) 431-моддани қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

“Турар-жой бўлмаган кўчмас мулк объектлари билан банд бўлган кўп қаватли турар-жой биноларидаги хоналар учун ер участкалари бўйича солиқ турар-жой бўлмаган биноларнинг майдони қаватлар сонига бўлиш асосида ҳисобланади.”;

25) 434-модда биринчи қисми 3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3) жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва поллизчилигини юритиш учун берилган ерлар, шунингдек якка тартибдаги ва жамоа гаражлари эгаллаган ер участкалари.”;

26) 435-моддада:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

“Дехқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўйича солиқ базаси ушбу Кодекснинг 428-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ солиқ солинмайдиган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари чегириб ташланган ҳолда, ер участкаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланган норматив қиймати.”;

иккинчи ва учинчи қисмлар тегишлича **учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

27) 437-моддада:

биринчи ва иккинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Республика ҳудудлари кесимида базавий солиқ ставкалари мутлоқ миқдорда 1 кв.м. учун дехқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан ташқари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

Республика ҳудудлари	1 кв.м. учун базавий солиқ ставкаси, сўмда
Тошкент шаҳри	
1 зона	1193,6
2 зона	1013,2

3 зона	832,6
4 зона	652,3
5 зона	471,8
Қорақалпоғистон Республикаси	245,0
Андижон вилояти	297,6
Бухоро вилояти	245,0
Жиззах вилояти	245,0
Қашқадарё вилояти	245,0
Навобй вилояти	245,0
Наманган вилояти	297,6
Самарқанд вилояти	297,6
Сурхондарё вилояти	221,6
Сирдарё вилояти	191,8
Тошкент вилояти	252,2
Фарғона вилояти	245,0
Хоразм вилояти	245,0

Солиқ ставкаларини аниқ миқдори, деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган кишлок хўжалиги учун мўлжалланган ерлар бундан мустасно, қуйидаги тартибда белгиланади:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари – 0,5 дан 2,0 миқдорда камайтирувчи ва оширувчи коэффициентини қўллаган ҳолда, ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган базавий солиқ ставкалари асосида кишлок хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун туман ва шаҳарлар кесимида уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб ер солиғининг базавий ставкаларини белгилайди;

Туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари, уларнинг чегараларида жойлашган нуфузли ҳудудга (мавзе, массив, маҳалла, кўча) қараб, ушбу модданинг иккинчи қисми иккинчи хатбошида белгиланган солиқ ставкасига Тошкент шаҳри учун эса – ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган базавий солиқ ставкасига 0,7 дан 3,0 миқдорда камайтирувчи ва оширувчи коэффициентни киритадилар. Туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари нуфузли туман чегараларини тасдиқлайдилар.

Туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан кейинги солиқ даври учун солиқ ставкалари, хар йили жорий солиқ даврининг 31 декабрига қадар кишлок хўжалигига мўлжалланмаган ер учусткалари жойлашган жойдаги солиқ органларига тақдим этишлари керак.

Дехқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларга солиқ ставкаси қишлоқ хўжалиги экинзорларининг норматив қийматига нисбатан 0,95 фоиз миқдорда белгиланади.”;

учинчи - еттинчи қисмлар тегишлича **олтинчи - ўнинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Белгиланган меъёрлардан юқори бўлган якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун мўлжалланган ер участкалари учун ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган тартибда белгиланган солиқ ставкаларига 1,5 оширувчи коэффициент қўлланилади. Солиқни ҳисоблаш мақсадида, ер участкаларининг қуйидаги меъёрлари қўлланилади:

Тошкент шаҳри, Нукус шаҳри ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар - 0,06 га;
бошқа аҳоли пунктлари (деҳқон хўжалиқларидан ташқари) - 0,1 гектар.

Жисмоний шахсларга якка тартибдаги турар жой қуришга ва ободонлаштиришга берилган томорқа ер участкаларига якка тартибдаги уй-жой қуриш учун белгиланган ставка қўлланилади.”;

28) 439-модда:

биринчи қисм қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ тўловчининг яшаш жойидан қатъи назар, ер участкаси жойлашган ердаги солиқ органлари томонидан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг маълумотлари асосида, деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар бўйича эса - қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларнинг норматив қийматини аниқловчи органнинг маълумотлари асосида амалга оширилади.”;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

“Турар-жой бўлмаган кўчмас мулк объектлари билан банд бўлган кўп қаватли турар-жой биноларидаги хоналар учун ер участкалари бўйича солиқ турар-жой бўлмаган биноларнинг майдони қаватлар сонига бўлиш асосида ҳисобланади.”;

29) 442-модда иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги **8-банд** билан тўлдирилсин:

“8) коллектор ва дренаж тармоқларидан ишлатиладиган сув ресурслари.”;

30) 444-модда:

тўққизинчи ва ўнинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли орган ҳар йили жорий солиқ даврининг 10 декабридан кечиктирмай қишлоқ хўжалигида, шу жумладан балиқчилик хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланувчи юридик

шахсларга солиқ базасини аниқлаш учун улар томонидан ишлатилиши кутилаётган сув ресурслари ҳажмини тақдим этади, деҳқон хўжаликлари бўйича эса - солиқ органларига сувдан фойдаланиш ва сувни истеъмол қилиш жойи бўйича - кейинги ҳисобот давридан кейинги йилнинг 20 санасидан кечиктирмай.

Деҳқон хўжаликлари учун солиқ базаси солиқ органлари томонидан сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли орган тақдим этган маълумотлар асосида аниқланади.”;

қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи - ўн учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

“Сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштирувчи балиқчилик хўжаликлари учун солиқ базаси табиий сув объектларидан олинган ва табиий сув объектларига қайтариб қуйилган сув ҳажми ўртасидаги фарқидан келиб чиқиб аниқланади.

Сув ресурсларини ҳисобга олиш воситалари йўқлиги ва қишлоқ хўжалигида, шу жумладан балиқ етиштиришда фойдаланиладиган сув ресурсларининг ҳақиқий ҳажмини аниқлашнинг имкон бўлмаган тақдирда, солиқ базаси сувдан фойдаланиш ва сувни истеъмол қилиш соҳасидаги ваколатли орган томонидан тасдиқланган сув ресурсларини истеъмол қилишнинг белгиланган нормалари миқдорида белгиланади.

Солиқ тўловчилар ишлаб чиқариш жараёнида махсус ускуналарни (турбина) совитиш учун ишлатилган сув ҳажми бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ табиий сув объектларидан олинган ва табиий сув объектларига қайтариб қуйилган сув ҳажми ўртасидаги фарқидан келиб чиқиб ҳисобланади. Ушбу норма сув ҳисоби мавжуд бўлганда қўлланилади.”;

ўн биринчи ва ўн иккинчи қисмлар тегишлича **ўн тўртинчи ва ўн бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **ўн бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

“Бир неча турдаги фаолият билан шуғулланувчи, солиқ солиш объекти ва (ёки) солиқ ставкаси турли хил бўлган солиқ тўловчилар бундай фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари ва тегишли солиқ ставкалари бўйича солиқ тўлашлари шарт.”;

ўн бешинчи қисм ўн олтинчи қисм деб ҳисоблансин;

31) 445-модда биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Белгиланган лимитлар доирасида ер усти ва ер ости манбаларидан олинадиган сув ресурслари учун солиқ ставкалари мутлақ миқдорда бир куб. метр учун қуйидаги миқдорларда белгиланади:

Т/р	Тўловчилар ва солиқ солиш объекти	1 куб.м. учун солиқ ставкаси, сўмда:
-----	-----------------------------------	--------------------------------------

		ер усти сув ресурслари манбалари	ер ости сув ресурслари манбалари
1.	Иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги корхоналар, (бундан 2-6 бандда кўрсатилганлар мустасно) шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар	182	221
2.	Саноат корхоналари	472	564
3.	Электр станциялар ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари	70	90
4.	қишлоқ хўжалик ерларини суғориш учун фойдаланилган сув ҳажми қисми ва балиқларни ўстириш (етиштириш), шу жумладан деҳқон хўжаликлари	40	40
5.	автотранспорт воситаларини ювиш учун ишлатилган сув ҳажми	1 990	1 990
6.	пиво ва винодан ташқари алкоголь маҳсулотлар ва алкогольсиз ичимликларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган сув ҳажми	25 185	25 185

”;

32) 452-моддада:**иккинчи қисмида:****81-83 қаторлар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

Қурилиш қумлари	5, бироқ 7 500 сўм/куб.м дан кам бўлмаган
Қум-шағал аралашмаси	5, бироқ 7 500 сўм/куб.м дан кам бўлмаган
Қумтошлар	5, бироқ 7 500 сўм/куб.м дан кам бўлмаган

”;

85-86 қаторлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

Қурилиш майда тошлар (карбонат жинслари)	5, бироқ 7 500 сўм/куб.м дан кам бўлмаган
Қурилиш майда тошлар (гранитлар, порфиритлар ва сланец жинслари)	5, бироқ 7 500 сўм/куб.м дан кам бўлмаган

”;

33) 461-модда куйидаги мазмундаги **9 ва 10-бандлар** билан тўлдирилсин:

“9) алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пивони турғун савдо шохобчаларида чакана сотиш;

10) бозор ва савдо комплексларига;”;

34) 467-модданинг:

6-позициядаги ставка куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

6.	Суғурта агентлари, шунингдек суғурта, қимматли қоғозлар бозори ва товар-хом ашё биржаларида брокерлик фаолиятини амалга оширадиган юридик шахслар, шунингдек риелторлик хизмати кўрсатувчи шахслар.	13
----	---	----

”;

9.2-позициядаги ставка куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

9.2.	жойлашган жойидан қатъи назар: тамаки маҳсулотлари товар айланмаси бўйича.	4
------	--	---

”.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин;

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун 2021 йил 1 январдан кучга киради.